



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 13.01.2022 г. № 16/2035

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Тахиатош тумани Давлат солиқ инспекцияси на общую сумму
565983,00

Глава

093

Казначейский лицевой счёт

100010860352287011332093001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	188 661,00			188 661,00
Февраль	188 661,00			188 661,00
Март	188 661,00			188 661,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	565 983,00			565 983,00

Всего 565983,00 сум

Пятьсот шестьдесят пять тысяч девятьсот восемьдесят три сум 00
тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или 100 % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате указанная мес. 2022г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Алиев Куралбай Турсынбаевич

(подпись)

Ф.И.О.

Жуманазаров Бердимурат Дошмуратович

(подпись)

Ф.И.О.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ШАРТНОМАСИ

2012 г. ил. "13" 01 16/2-035-сон
Тил оқшоғи район

Низом асоида фаолият юритувчи *Сирена мов*

(кейинги Уринларда "Истеъ-молчи" деб аталади), раҳбари Алиев Мурадбай
томондан ҳамда Низом ва 2088 йил "03" да берилган 03.19-05/53 сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Қурдоғ, Қарамакестай
(газ тэяминони ташкилоти номи) (кейинги борада "Етказиб беруви" деб аталади),
раҳбари Х.А.Жамов. икинчи томондан, қўйилгилар тўғрисида
маскув шартномани туздилар:

І.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТІ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда ўйловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикка эга газ хисоблаш приборлари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича бўлортма беради.

1.4. Истерьмолчи билан келишилган буюртма буйича етказиб бериладиган таз хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 2022 йилда 887,55 куб.м, нархи 566983 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар буйича қўйилгачча тақсимланади:

I чорак	<u>857,55</u>	минг. м.з.	январь	<u>285,85</u>	февраль	<u>285,85</u>	март	<u>285,85</u>
II чорак		минг. м.з.	апрель				июнь	
III чорак		минг. м.з.	июль				сентябрь	
IV чорак		Минг м.з.	октябрь				декабрь	

2022 йил « 03 » _____ даги
16/2-035-сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари
РЎЙХАТИ

Фаолият тури: МШ

Каластр №

Табигий газ тарифи	сум	тийм
660		

[illegible]

Келініш дегені:

Ғажап *А. Мамбетов* Исхакжолдин *А. Давыд*
 (Ф.И.О.) (Ф.И.О.)

Имзоси	Имзоси
Мухр бори	Мухр бори

Myung-Gook

Источники

Ф. И. И.)

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20__ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак	_____	минг куб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____	минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____	минг куб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаларни тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ парздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суқалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар қамида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қуурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қуурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса заҳира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи заҳира ёқилғи туридан фойдаланишнинг кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ заҳира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишнинг тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соҳа холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекси ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z Dst 8.030:2008 "Ёқилга ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z Dst 8.031:2008 "Ёқилга ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификати ваёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўригидан ваёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ваёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексларининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қилишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексларининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексларининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қилишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексларининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг эгаси қақирда.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан қилинади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ

АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамада 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўлов из етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатишга натижада шартномадаги ҳажмлардан ортиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчиннинг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ГТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меърилар бўйича ҳисоб-китоб қилаётган) истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (қўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилга тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда қўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексларининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлигида Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралаштириш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёсов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсовдан ўтказилиб, сертифицик олинб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёсов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексларининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчилик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТҚларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланish ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзга келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.
- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланishларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, таъшириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтегазспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳолим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсизлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборнинг хотирасида сақланмаган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар еҳирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериш шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарини ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаш шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DST 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳукукига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида рўя қилган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун туланган суммани қайтариш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатиши.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустаф

а) форс-мажор ҳолатлар;

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда оқиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашни ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта улаанишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартномаининг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйдагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улаишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлаишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- оқват тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
в) киш дарида вақтинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан ўзиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган сўммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган сўммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ муддати ўтган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадиққ этилишини ифода қилади ва қафола қилади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мажбур шартнома доирасида қуйдагиларни қафола қилади ва қуйдаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига ҳаётий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага қўра, уларни судга ҳал этиш чораларини қўради.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қуурларыда ва газ тармоқларида, газни кайта ийиш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзaga келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокарапар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак. Ўзбекистон Республикасида ривожланаётган ҳуқуқий ҳолат ва қўшимчалар ёзма равишда

• 12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ёзначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга қиради.

12.3. Шартнома 2011 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш туғрисида талаб билан мурожат қилмаган бўлса, шартнома келинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "2022" йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

ХІІІ. ЯКУНЛОВЧИ КОЙЛАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улуғруқ истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик қучга эга.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз Қорақалпоғистон»	Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179 КҲҲҲҲҲҲ 35220 Богʻлашиш телефони: 0361 224-04-08. 224-00-59, 224-02-43 х/р: _____ Банк номи: «Узсановатурилиш банк Рахат филиали» МФО: 00435 ИНН: 306605769 х/р 22.634000405432300001	«ИСТЕМОЛЧИ» Текнолоджи МММ (бюджет ташкилотлари, хўжалик субъектлари номи) Почта манзили: Боденов-234ч ОКПО коди ОКЭД Мулоқот телефони Ғаз./х Банк номи: Ғалим Ғалиев МФО 00643 ИНН 20.7263.723 ш/х х/р 234х003000000001
Рахбар: Х.Айманов (ф.и.ш.) Имтоси: _____ Мухр ўрни _____	Рахбар: _____ (ф.и.ш.) Имтоси: _____ Мухр ўрни _____	(таърифилик бўлиниши номи) Рахбар: _____ (ф.и.ш.) Имтоси: _____ Мухр ўрни _____

Юридическое заочное отделение
Настоящий договор соответствует требованиям
Гражданского кодекса и Закона Республики
Украины от 10.01.2003 г. "О договорно-правовой базе
деятельности хозяйствующих субъектов"

Юрист
(Ф.И.О.)